

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги  
Ўзбекистон Республикаси  
Қишлоқ хўжалиги вазирлиги

**5411200 - Манзарали боғдорчилик ва кўкаламзорлаштириш бакалавриат  
таълим йўналишининг малака талаблари**

Тошкент

ЎЗР ОУВТД  
Буйруқ № 418  
14.08.2020

### **ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:**

- Тошкент давлат аграр университети;
- Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси.

### **ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий ва ўрта махсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг 2020 йил «14» август даги 3 - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил «14» август даги 418 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

### **ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаби 410 000 – Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги Давлат таълим стандарти, Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рақамсига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий хужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

## МУНДАРИЖА

Т.р.		бет
1.	<i>5411200 - Манзарали боғдорчилик ва кўкаламзорлаштириш</i> бакалаврият таълим йўналишининг умумий тавсифи.....	4
1.1.	Кўлланиш соҳаси.....	4
1.1.1.	<i>5411200 - Манзарали боғдорчилик ва кўкаламзорлаштириш</i> таълим йўналиши малака талабининг кўлланилиши.....	4
1.1.2.	Малака талабнинг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2.	<i>5411200 - Манзарали боғдорчилик ва кўкаламзорлаштириш</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг тавсифи.....	4
1.2.1.	<i>5411200 - Манзарали боғдорчилик ва кўкаламзорлаштириш</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари.....	4
1.2.2.	<i>5411200 - Манзарали боғдорчилик ва кўкаламзорлаштириш</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг объектлари.....	5
1.2.3.	<i>5411200 - Манзарали боғдорчилик ва кўкаламзорлаштириш</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг турлари.....	5
1.2.4.	<i>5411200 - Манзарали боғдорчилик ва кўкаламзорлаштириш</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.....	5
2.	<i>5411200 - Манзарали боғдорчилик ва кўкаламзорлаштириш</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар.....	6
2.1.	Умумий компетенциялар.....	6
2.2.	Касбий компетенциялар.....	7
2.3.	Касбий квалификациялар.....	7
3.	<i>5411200 - Манзарали боғдорчилик ва кўкаламзорлаштириш</i> таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар.....	7
3.1.	<i>5411200 - Манзарали боғдорчилик ва кўкаламзорлаштириш</i> таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурларига қўйиладиган умумий талаблар.....	7
3.2.	<i>5411200 - Манзарали боғдорчилик ва кўкаламзорлаштириш</i> таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми.....	8
	Библиографик маълумотлар.....	8

## **1. 5411200 - Манзарали боғдорчилик ва кўкаламзорлаштириш бакалаврият таълим йўналишининг умумий тавсифи**

**5411200 - Манзарали боғдорчилик ва кўкаламзорлаштириш** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундузги ва сиртки таълим шакларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Кундузги таълимда бакалаврият дастурининг меъёрий муддати 4 йил.

### **1.1. Қўлланиш соҳаси.**

**1.1.1. 5411200 - Манзарали боғдорчилик ва кўкаламзорлаштириш таълим йўналиши Малака талабнинг қўлланилиши.**

Малака талаби 5411200 - *Манзарали боғдорчилик ва кўкаламзорлаштириш* таълим йўналиши бўйича бакалавр тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

#### **1.1.2. Малака талабнинг асосий фойдаланувчилари:**

– мазкур таълим йўналиши бўйича малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари;

– таълим йўналишининг ўқув режа ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;

– битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи иш га жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув-услубий бошқармаси (бўлим) бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари);

– бакалаврият битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

– таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;

– олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

– олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;

– кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;

– олий таълим ташкилотларига ўқишга кираётган абитуриентлар, уларнинг ота-оналар ва бошқа манфаатдор шахслар.

**1.2. 5411200 - Манзарали боғдорчилик ва кўкаламзорлаштириш таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи**

**1.2.1. 5411200 - Манзарали боғдорчилик ва кўкаламзорлаштириш таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:**

**5411200 - Манзарали боғдорчилик ва кўкаламзорлаштириш таълим йўналиши** – манзарали боғдорчилик ва кўкаламзорлаштириш соҳасида хизмат кўрсатиш ва сервис йўналиши бўлиб, у манзарали ўсимликлар ассортиментини танлаш ҳамда аҳоли яшаш жойларини кўкаламзорлаштириш ва манзарали боғдорчилик ишларининг сифатини ошириш мақсадида, ер, сув, энергия ва моддий техника ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш; манзарали дарахт, бута, лиана ва гул турларини кўпайтириш, уларни манзарали боғдорчилик объектларида жойлаштириш ва парваришлаш; манзарали боғдорчилик объектларини лойиҳалаштиришда ландшафт композицияларини барпо этиш билан боғлиқ комплекс масалаларни биргаликда ҳал этиш; манзарали боғдорчилик ва кўкаламзорлаштириш соҳасига инновацион услубларни жорий этиш, касбий фаолиятида ишлаб чиқариш воситаларидан оқилона фойдаланиш усул ва услублари мажмуасини қамраб олади.

**1.2.2. 5411200 - Манзарали боғдорчилик ва кўкаламзорлаштириш таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:**

- кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш тизимидаги корхоналар;
- илмий ишлаб чиқариш марказлари;
- ландшафтли қурилиш ва ландшафт дизайни билан шуғулланувчи корхоналар;
- манзарали кўчатзорлар;
- кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштиришнинг умумий ер майдонлари;
- аҳоли турар жойлари, ўқув масканлари ва шифохоналар;
- боғ – парклар, истироҳат парклари ва сайилгоҳлар.

**1.2.3. 5411200 - Манзарали боғдорчилик ва кўкаламзорлаштириш таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари:**

- ташкилий-бошқарув
- ишлаб чиқариш-технологик;
- илмий-тадқиқот;
- лойиҳа-технологик;
- сервис хизматини кўрсатиш;

**1.2.4. 5411200 - Манзарали боғдорчилик ва кўкаламзорлаштириш таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.**

5411200 - Манзарали боғдорчилик ва кўкаламзорлаштириш таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг 6-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ бакалаврият битирувчиси қуйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир бўлиши лозим:

**Ташкилий-бошқарув ҳамда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятида:**

- манзарали боғдорчилик ва кўкаламзорлаштириш ишлаб чиқаришида тегишли технология ва техник воситалардан фойдаланишнинг самарадорлиги кўрсаткичларини ҳисоблаш ва баҳолаш;

- ишлаб чиқариш жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган моддий ва меҳнат ресурсларини режалаштириш;

- ишлаб чиқариш жараёнини бошқариш ва бошқарув қарорларини қабул қилиш;

- замонавий ахборот технологиялари тизимларидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш методлари ҳамда механизмларини ишлаб чиқиш;

- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ҳаётий фаолият хавфсизлиги, техника хавфсизлиги талаблари асосида ишлаб чиқариш жараёнларини мониторингини юритиш;

- касбий муаммолар ечимини топиш;

- ижрочилар жамоаси ишини ташкил қилиш;

- бирламчи ишлаб чиқариш ишини ташкил қилиш ва уни бошқариш;

- бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш ва уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширган ишининг натижаларини баҳолаш.

**Ишлаб чиқариш-технологик фаолиятда:**

- манзарали боғдорчиликда уруғчиликни йўлга қўйиш;

- манзарали кўчатзор ташкил этиш ва кўчатчиликни йўлга қўйиш;

- манзарали ўсимликларни танлаш ва кўкаламзорлаштириш учун дарахт ва бута турлари ассортиментини тузиш;

- ландшафтли қурилишда гуллар композицияларини яратиш;

- ландшафт дизайни ишларини лойиҳалаштиришни йўлга қўйиш;

- кўкаламзорлаштириш ишлари учун техника ва агрегатлар турларини билиш;

- манзарали кўчатларни парваришлаш ва кўчатларга шакл бериш;

- ландшафт дизайни услубларидан фойдалана олиш;

- замонавий ахборот технологиялари, компьютер техникалари ва коммуникацион воситаларни амалиётда кенг қўллаш;



- илғор технологик жараёнлардан фойдаланиш;
- манзарали ўсимликлар етиштиришнинг илмий асосланган тизимларини қўллаш ва тавсия қилиш;
- янги самарали технологияларни ишлаб чиқиш ва улардан оқилона фойдаланиш;
- табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ва ҳаёт фаолияти хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш.

**Илмий-тадқиқот фаолиятида:**

- манзарали боғдорчилик ва кўкаламзорлаштириш бўйича илмий-тадқиқот ишларини бажаришда бевосита иштирок этиш;
- дала тажрибаларида вариантлар ва такрорланишларни жойлаштириш, кузатувлар ўтказиш; илмий иш ҳисоботи учун маълумотлар тайёрлаш;
- қарор қабул қилиш, билимларни амалиётда қўллаш, иш самарадорлиги ва сифатига жавоб бериш;
- республика ҳамда хорижда чоп этилган қишлоқ хўжалиги соҳаси ва манзарали боғдорчиликка оид илмий-техник ахборотларнинг илмий манбаларини ўрганиш;
- илмий-тадқиқот натижаларини ва ишланмаларни амалиётга татбиқ этишда иштирок этиш.

**Лойиҳа-технологик фаолиятда:**

- манзарали боғдорчилик ва кўкаламзорлаштириш ишларини лойиҳалаштириш;
- ландшафт қурилиши объектларини лойиҳалаштириш;
- кўкаламзорлаштириш соҳасидаги технологик режани тузиш;
- кўкаламзорлаштиришнинг бош ва дендролойиҳасини тайёрлаш;
- кўкаламзорлаштиришнинг смета ҳужжатларини расмийлаштириш ва тўлдириш;
- манзарали дарахт ва буталарни етиштириш агротехникасини технологик қисмини ишлаб чиқиш;
- махсулотлар сифатини баҳолашда ихтисосликдан келиб чиққан ҳолда чет эл ва ватанимизда қўлланиладиган усулларни амалда қўллаш олиш;
- лойиҳалаштиришда замонавий ахборот-коммуникацион технологиялар ва компьютер дастурларидан фойдаланиш.

**Сервис хизмат кўрсатишда:**

- хизмат кўрсатиш соҳасида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдалана олиш;
- кўкаламзорлаштириш ва ландшафт дизайн соҳаси учун сервис хизмати кўрсата олиш;
- бизнесни ташкил этиш, бизнес режаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

**2. 5411200 - Манзарали боғдорчилик ва кўкаламзорлаштириш таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

**2.1. Умумий компетенциялар:**

- давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий-иқтисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиш;
- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятга оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;
- ахборот технологияларини касбий фаолиятида қўллаш билиш, ахборотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиш;
- янги билимларни мустақил эгаллаш билиш, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;

-соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида тасаввурга эга бўлиш.

## **2.2. Касбий компетенциялар:**

- манзарали боғдорчилик ва кўкаламзорлаштириш соҳасида ишлаб чиқариш фаолиятини самарали юритишни ташкил этиш;
- манзарали ўсимликлар систематикаси, биологияси ва экологиясини билиш;
- манзарали ўсимликлар касаллик ва зараркунандаларини аниқлаш уларга қарши кураш олиб бориш чора-тадбирларини қўллаш;
- кўкаламзорлаштиришда ҳисоб-технологик харитасини тузиш ва агротехник усулларини билиш;
- кўкаламзорлаштириш учун талаб этиладиган ишчи кучи, техника воситалари, ўғитлар, уруғлар, экиладиган кўчат материаллар ва бошқа ресурсларни ҳисоблай билиш;
- манзарали дарахтларнинг кўчатларини етиштириш;
- дарахт ва буталарга манзарали шакл бериш ҳамда уларни парваришlash;
- турли иқлим шароитларида кўкаламзорлаштириш мақсадлари учун манзарали ўсимликларни танлаш;
- ландшафт қурилиши соҳасида илмий-изланишлар натижаларини ва инновацион технологияларни ишлаб чиқаришга мустақил татбиқ қила олиш;
- кўкаламзорлаштириш ишларини такомиллаштириш бўйича инновацион ишланмалар маълумотларини излаб топиш ва амалиётга татбиқ этиш;
- меҳнат жамоасини бошқаришда меҳнатни илмий асосда ташкил этиш ва замонавий бошқарув усулларини қўллаш;
- бажарилган ишларнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш;
- кўкаламзорлаштириш тармоқларининг иш фаолиятини олдиндан башоратлаш ва самарадорлигини баҳолаш;
- кўкаламзорлаштириш агротехнологиялари бўйича илмий ҳоёларни тезда ўзлаштириб, танқидий баҳо бериб, уни татбиқ этиш йўлларини аниқлаш;
- атроф муҳитни муҳофаза қилиш, меҳнат фаолияти хавфсизлигини ва ишлаб чиқариш санитариясини таъминлаш, жароҳатланиш ва касбий касалликларни профилактикаси бўйича чора тадбирларни амалга ошириш ва бошқа ҳолатларни назорат қилиш.

## **2.3. Касбий квалификациялар:**

Манзарали боғдорчилик агрономи, кўкаламзорлаштириш агрономи, манзарали кўчатзор агрономи, йўл қурилиши агрономи, ободонлаштириш агрономи, ландшафт дизайнер, боғ-парк муҳандиси, лойиҳалаштирувчи муҳандис, флорист, дендролог, вертикал режалаштириш муҳандиси квалификацияларига эга бўлиш мумкин.

### **3. 5411200 - Манзарали боғдорчилик ва кўкаламзорлаштириш таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар**

#### **3.1. 5411200 - Манзарали боғдорчилик ва кўкаламзорлаштириш таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар**

Бакалаврият таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурлари таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи ҳамда касбий компетенцияларга қўйиладиган талабларга мувофиқ талабалар мажбурий ва танлов фанларини ўзлаштириши, амалиётларини ўтиши ва натижада касбий фаолиятида зарур билим, кўникма ва малака компетенцияларини эгаллашни таъминловчи мазмунда ишлаб чиқилади.

Ўқув режаси кредит-модуль тизими асосида шакллантирилади. Бунда ўқув жараёни графиги, ҳафталар кесимида ўқиш вақти, аттестациялар, амалиётлар, таътилар,

семестрлар бўйича ўтиладиган “Табий-илмий ва гуманитар фанлар”, “Умумқасбий фанлар”, “Ихтисослик фанлари”, машғулотлар турлари, ажратилган соатлар, кредитлар, фанлар коди, Давлат аттестацияси ва бошқалар кўрсатилади.

Ўқув режаларга киритиладиган мажбурий ва танлов фанлар турдош олий таълим муассасалар билан ҳамкорликда таянч олий таълим муассасалари томонидан белгиланади.

**3.2. 5411200 - Манзарали богдорчилик ва кўкаламзорлаштириш бакалаврият таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми**

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли учун аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 30 соатгача қилиб белгиланиши мумкин.

Ўқишнинг норматив муддати тўрт йил бўлгани ҳолда ўқув жараёни 204 ҳафта давом этиши зарур.

Ўқув даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланиши мақсадга мувофиқ:

Ўқув даврлари	Кундузги таълим шакли учун*	Кечки таълим шакли учун*	Сиртки таълим шакли учун*
Назарий ва амалий таълим	40-60%	40-60%	40-60%
<i>Шу жумладан, мустақил таълим</i>	-	15-35%	25-45%
Аттестация	6-8%	6-8%	6-8%
Таътил	10-30%	10-30%	10-30%
Малакавий амалиёт	15-30%	15-30%	15-30%
Битирув малакавий иши	2-3%	2-10%	2-10%

### Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

#### Таянч сўзлар:

манзарали богдорчилик, кўкаламзорлаштириш, касбий фаолият тури, компетенция, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият соҳаси, бакалавриятнинг асосий ўқув режаси ва фан дастури, ўқув жараёни, лойиха-технологик, педагогик, илмий-изланиш, сервис хизмати, баҳолаш, сифат назорати, мустақил таълим, ишлаб чиқариш-технологик, ташкилий-бошқарув, малака амалиёти, битирув малакавий иш, давлат аттестацияси, мустақил таълим, ўқув фанлари блоқи, мундарижа, олий таълим муассасаси, таълим жараёни, ишлаб чиқариш, лойихалаш, илмий-тадқиқот жараёнлари.



Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий кадрлар истеъмолчилари

**ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:**

Тошкент давлат аграр университети

Ректор  Б.А.Сулаймонов

2020 йил « 30 » июль

М.Ў.



**КЕЛИШИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги  
хузуридаги Олий таълимни ривожлантириш  
тадқиқотлари ва инновация технологияларни  
таълим этиш маркази

Директор  З.Хакимов

2020 йил « 30 » июль

М.Ў.



Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси

Раис  Н.Ж. Бакиров

2020 йил « 30 » июль

М.Ў.



Ўрмон хўжалиги илмий тадқиқот  
институтини












Директор  А.Х.Хамзаев

2020 йил « 30 » июль

М.Ў.



**5411200 - Манзарали боғдорчилик ва кўкаламзорлаштириш бакалаврият таълим йўналиши бўйича малака талаблари ва ўқув режасини ишлаб чиқарувчи ишчи гуруҳ таркиби**

т/р	Ишчи гуруҳ раиси ва аъзоларининг Ф.И.Ш.	Лавозими, илмий даражаси ва унвони, иш жойи	Имзо
<b>Раис</b>			
1	Х.Машрапов	Ўрмон хўжалиги ва ландшафт дизайн факультети декани, доцент	
<b>Аъзолари:</b>			
2	М.Холмуротов	Ўрмон хўжалиги ва ландшафт дизайн факультети ЎУК раиси, ишчи гуруҳ раиси ўринбосари	
3	Я.Юлдашов	Ўрмончилик кафедраси мудир, профессор	
4	Э.Бердиев	Манзарали боғдорчилик кафедраси мудир, профессор	
5	А.Қайимов	Манзарали боғдорчилик кафедраси профессори	
6	М.Қаландаров	Ўрмончилик кафедраси профессори	
7	С.Турдиев	Манзарали боғдорчилик кафедраси доценти	
8	Х.Ҳамроев	Ўрмончилик кафедраси доценти	
9	В.Қайсаров	Доривор ўсимликлар кафедраси мудир, доцент	
10	А.Ганиев	Доривор ўсимликлар кафедраси профессори	
11	Э.Ахмедов	Доривор ўсимликлар кафедраси доценти	

Ўқув ишлари бўйича проректор



С.Я.Исламов

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**  
**бакалаврият таълим йўналишлари (магистратура мутахассисликлари) учун янгидан яратиладиган малака талабларига**  
**киритиладиган кадрлар истеъмолчиларининг таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги) битирувчилари касбий**  
**фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари)**

Т.р.	Вазирлик (идора)нинг ташкилот (корхона)лари учун кадр тайёрланаётган бакалаврият таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги)		Вазирлик (идора)нинг таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги) битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари)
	шифри	номи	
1.	5411200	Манзарали боғдорчилик ва кўкаламзорлаштириш	<p align="center"><b>Битирувчи бакалавр қуйидаги касбий қобилиятларга эга бўлиши керак:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- манзарали боғдорчилик ва кўкаламзорлаштириш соҳасида ишлаб чиқариш фаолиятини самарали юритишни ташкил этиш;</li> <li>- манзарали ўсимликлар систематикаси, биологияси ва экологиясини билиш;</li> <li>- манзарали ўсимликлар касаллик ва зараркунандаларини аниқлаш уларга қарши кураш олиб бориш чора-тадбирларини қўллаш;</li> <li>- кўкаламзорлаштиришда ҳисоб-технологик харитасини тузиш ва агротехник усулларини билиш;</li> <li>- кўкаламзорлаштириш учун талаб этиладиган ишчи кучи, техника воситалари, ўғитлар, уруғлар, экиладиган кўчат материаллар ва бошқа ресурсларни ҳисоблай билиш;</li> <li>- кўкаламзорлаштириш ва ландшафтли қурилиш учун ер майдонини тақсимлаш ва режалаштириш;</li> <li>- кўкаламзорлаштириш учун энг манзарали дарахт-бута турларини ва энг самарали техника воситаларини танлай олиш;</li> <li>- манзарали дарахтларнинг кўчатларини етиштириш;</li> <li>- дарахт ва буталарга манзарали шакл бериш ҳамда уларни парваришлаш;</li> <li>- кўкаламзорлаштиришда механизация ва бошқа техника воситалари ёрдамида бажариладиган ишларнинг сифатини назорат қилиш;</li> <li>- турли иқлим шароитларида кўкаламзорлаштириш мақсадлари учун манзарали ўсимликларни танлаш;</li> <li>- сугорилмайдиган ва шўрланган тупроқли ҳудудларни кўкаламзорлаштириш учун дарахт ва бута турларини танлаш;</li> <li>- ландшафт қурилиши соҳасида илмий-изланишлар натижаларини ва иннова-цион технологияларни ишлаб чиқаришга мустақил тадбиқ қила олиш;</li> <li>- кўкаламзорлаштириш ишларини такомиллаштириш бўйича инновацион ишланмалар маълумотларини излаб топиш ва амалиётга татбиқ этиш;</li> </ul>

			<ul style="list-style-type: none"> <li>- меҳнат жамоасини бошқаришда меҳнатни илмий асосда ташкил этиш ва замонавий бошқарув усулларини қўллаш;</li> <li>- кўкаламзорлаштиришнинг ишлаб чиқариш ва молия режасини тузиш;</li> <li>- бизнес план тузиш;</li> <li>- иш ҳажмларининг бажарилишини нарядлар асосида тўловини ташкил этиш;</li> <li>- бажарилган ишларнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш;</li> <li>- бажариладиган ишлар учун ҳисоб-технологик картасини тузиш;</li> <li>- ўрмон хўжалигида ишчи лойиҳалар тузиш;</li> <li>- кўкаламзорлаштириш тармоқларининг иш фаолиятини олдиндан башоратлаш ва самарадорлигини баҳолаш;</li> <li>- кўкаламзорлаштириш агротехнологиялари бўйича илмий ғояларни тезда ўзлаштириб, танкидий баҳо бериб, уни тадбиқ этиш йўлларини аниқлаш;</li> <li>- атроф муҳитни муҳофаза қилиш, меҳнат фаолияти хавфсизлигини ва ишлаб чиқариш санитариясини таъминлаш, жароҳатланиш ва касбий касалликларни профилактикаси бўйича чора тадбирларни амалга ошириш ва бошқа ҳолатларни назорат қилиш.</li> </ul>
2.	5A411201	Аҳоли яшаш жойларини кўкаламзорлаштириш ва ландшафтли дизайни	<p>Манзарали богдорчилик ва кўкаламзорлаштириш таълим йўналиши бўйича бакалаврлар билиши шарт бўлган барча талабларни мутахассислиги бўйича магистр янада юқори даражада билиши ва бажариши керак.</p> <p>Бундан ташқари у:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- аҳоли яшаш жойларини кўкаламзорлаштириш меъёрлари ва услубларини илмий асосда ишлаб чиқиш;</li> <li>- кўкаламзорлаштириш ва ландшафтли қурилишда қўлланиладиган манзарали дарахт ва бута турларини танлашнинг илмий асосларини билиш ва таҳлил этиш;</li> <li>- кўкаламзорлаштиришдаги манзарали ўсимликларни парваришлаш технологияларини илмий асосда такомиллаштириб бориш;</li> <li>- мустақил равишда илмий тадқиқот олиб бориш, кўкаламзорлаштирилган ҳудудларда илмий тажрибалар ўтказиш;</li> <li>- илмий ҳамда илмий-техник адабиётларни ўрганиши, тизимли мустақил таҳлил тайёрлаш ва тадқиқот натижаларига хулосалар бера олиш;</li> <li>- илмий тадқиқот натижаларини умумлаштириш, замонавий ахборот коммуникацион технологияларини қўллаган ҳолда илмий нашрларни тайёрлаш;</li> <li>- аҳоли яшаш жойларини кўкаламзорлаштириш ва ландшафтли қурилиш соҳаси бўйича илмий изланишлар методикаси ва чуқур билимларни таъминлаб берувчи мутахассислик фанларининг замонавий услубларини билиш;</li> </ul>



			<ul style="list-style-type: none"> <li>- мутахассислик фанларини ўрганиши, чуқур назарий билимлар шакллари таъминлаб бериши, кўкаламзорлаштириш соҳаси, шу соҳадаги илмий тадқиқотлар методикаси ҳамда махсус фанларни ўқитиш бўйича амалий билим ва кўникмаларни шакллантириш;</li> <li>- замонавий педагогик ва ахборот коммуникацион технологиялар, ўқув тарбиявий фаолиятнинг интерактив методларини қўллаган ҳолда педагогик фаолиятни олиб бориш;</li> <li>- аҳоли яшаш жойларини кўкаламзорлаштириш, боғ парк қурилиши ва лойиҳалаштириш асослари фанлари бўйича маъруза, амалий ва лаборатория машғулотларини олиб бориши, ўқув-таништирув, ишлаб чиқариш-технологик малака амалиётларига раҳбарлик қилиш;</li> <li>- ўқув услубий кўрсатмалар, маъруза матнлари, амалиёт ва лаборатория машғулотларидан қўлланмалар, тарқатма материаллар, ўқув фанлари ишчи дастурларини, календар режа, талабалар билимини рейтинг назорати жадвалини тузиш ва бошқа ўқув услубий хужжатларни тайёрлаш;</li> <li>- талабалар билимини назорат қилишда рейтинг тизими Низомидан тўғри фойдаланиш;</li> <li>- ўз мутахассислик фаолияти ва бошқа турдош касбларга самарали мослаша олиш бўйича билим, малака ва кўникмаларга эга бўлиши зарур.</li> </ul>
3.	5A411202	<b>Манзарали боғдорчилик</b>	<p>Манзарали боғдорчилик ва кўкаламзорлаштириш таълим йўналиши бўйича бакалаврлар билиши шарт бўлган барча талабаларни мутахассислиги бўйича магистр янада юқори даражада билиши ва бажариши керак.</p> <p>Бундан ташқари у:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- манзарали боғдорчиликни ривожлантириш стратегиясининг мазмун-моҳиятини тушуниш ва амалга ошириш;</li> <li>- манзарали боғдорчиликда дарахт ва буталарининг уруғчилигини илмий асосда ташкил этиш;</li> <li>- манзарали дарахт ва буталарни селекцион асосда танлаш ва манзаравийлигини баҳолаш бўйича тадқиқотлар ўтказиш;</li> <li>- манзарали дарахт ва буталарнинг кўчатларини етиштириш ва шакл бериш технологиясини ишлаб чиқиш;</li> <li>- ландшафт дизайни учун манзарали дарахт-буталар ва гулларнинг илмий асосланган ассортиментини тузиш;</li> <li>- боғ-парклардаги манзарали дарахтларни экиш ва парваришлаш ишларини ўтказишни илмий асосларини ишлаб чиқиш;</li> <li>- вертикал кўкаламзорлаштириш учун манзарали, доим яшил ва гулловчи лиана ўсимликларининг илмий асосланган ассортиментини тузиш;</li> <li>- манзарали боғдорчиликда турли ландшафт композициялари яратишнинг илмий асосланган усулларини ишлаб чиқиш;</li> <li>- мустақил равишда илмий тадқиқот олиб бориш, манзарали боғдорчилик объектларида илмий тажрибалар ўтказиш;</li> </ul>

		<ul style="list-style-type: none"> <li>- илмий ҳамда илмий-техник адабиётларни ўрганиши, тизимли мустақил таҳлил тайёрлаш ва тадқиқот натижаларига хулосалар бера олиш;</li> <li>- илмий тадқиқот натижаларини умумлаштириш, замонавий ахборот коммуникацион технологияларини қўллаган ҳолда илмий нашрларни тайёрлаш;</li> <li>- манзарали боғдорчилик соҳаси бўйича илмий изланишлар методикаси ва чуқур билимларни таъминлаб берувчи мутахассислик фанларининг замонавий услубларини билиш;</li> <li>- мутахассислик фанларини ўрганиши, чуқур назарий билимлар шакллари таъминлаб бериши, манзарали боғдорчилик соҳаси, шу соҳадаги илмий тадқиқотлар методикаси ҳамда махсус фанларни ўқитиш бўйича амалий билим ва кўникмаларни шакллантириш;</li> <li>- замонавий педагогик ва ахборот коммуникацион технологиялар, ўқув тарбиявий фаолиятнинг интерактив методларини қўллаган ҳолда педагогик фаолиятни олиб бориш;</li> <li>- манзарали боғдорчиликнинг назарий асослари, манзарали дарахт-бута кўчатларини етиштиришнинг замонавий технологиялари фанлари бўйича маъруза, амалий ва лаборатория машғулотларини олиб бориши, ўқув-таништирув, ишлаб чиқариш-технологик малака амалиётларига раҳбарлик қилиш;</li> <li>- ўқув услубий кўрсатмалар, маъруза матнлари, амалиёт ва лаборатория машғулотларидан қўлланмалар, тарқатма материаллар, ўқув фанлари ишчи дастурларини, календар режа, талабалар билимини рейтинг назорати жадвалини тузиш ва бошқа ўқув услубий хужжатларни тайёрлаш;</li> <li>- талабалар билимини назорат қилишда рейтинг тизими Низомидан тўғри фойдаланиш;</li> <li>- ўз мутахассислик фаолияти ва бошқа турдош касбларга самарали мослаша олиш бўйича билим, малака ва кўникмаларга эга бўлиши зарур.</li> </ul>
--	--	---

Ўзбекистон Республикаси  
Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси раиси



Н.Ж.Бакиров

Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти директори

А.Х.Хамзаев

Тошкент давлат аграр университети томонидан 410 000 – Қишлоқ, ўрмон ва баллиқ хўжалиги таълим соҳаси Давлат таълим стандарти, бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича тайёрланган малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқиш бўйича турдош олий таълим муассасалари билан  
**КЕЛИШУВ БАЁННОМАСИ**

Қибрай тумани

“30” июль 2020 йил

**Қатнашдилар:** Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш бош бошқармаси бошлиғи - А.Холиков, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ўқув юртлари ва малака ошириш бўлими бошлиғи – Ш.Жониқулов, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини Давлат инспекцияси бошлиғи ўринбосари - Б.Муродов, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорка ер эгалари Кенгаши раиси - А.Хаитов, Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси раиси ўринбосари М.Рузметов, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси раиси - Н.Бакиров, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси – Ш.Абдуразақов, Лимон етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар уюшмаси раиси – Н.Фахрутдинов, “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси кадрлар, ўқув юртлари ва илмий муассасалари билан ишлаш бошқармаси бошлиғи – И.Султонова, “Ўзбекбаликсаноат” уюшмаси бошқарув раисининг биринчи ўринбосари - Р.Қурбонов, Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси Кенгаши раиси-М.Тулаходжаева, Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги директори - Н.Э.Нажимов, “Ўзагрокимёхимоя” АЖ раиси ўринбосари - Р.Очилов, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Уруғчиликни ривожлантириш маркази директори – Ш.Номозов, “Ғалла-Алтег” АЖ ишлаб чиқариш корхонаси директори – Қ.Қувватов, ЎзРФА Микробиология институти директори-Қ.Давронов, ЎзРФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси илмий-тадқиқот институти директори-А.Наримонов, Ўсимликларни химоя қилиш илмий-тадқиқот институти директори – К.Маматов, Ўрмон хўжалиги илмий тадқиқот институти директори - А.Хамзаев, Академик М.Мирзаев номидаги “Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий тадқиқот институти” бош директори - Ю.Санм Назаров, Ўсимликлар генетик ресурслари илмий тадқиқот институти директори - А.Аманов, “Сабзавот-полиэкинлари ва картошқачилик” илмий тадқиқот институти директори - Р.Низомов, Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳаси иқтисодиёти илмий тадқиқот институти директори-Б.Султонов, Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш технологиялари илмий тадқиқот институти директори-С.Бўриев, Стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш илмий тадқиқот институти директори-А.Хамдамов, Чорвачилик ва паррандачилик илмий тадқиқот институти директори-А.Нурматов, Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институтини директори-А.Ражабов, Тошкент давлат аграр университети ректори-Б.Сулаймонов, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ректори-Ў.Умурзақов, Самарканд ветеринария медецинаси институти ректори-Х.Юнусов, Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти ректори-К.Комилов, Тошкент давлат аграр университети ўқув ишлари бўйича проректори - С.Исламов, ТДАУ Нукус филиали директори-Е.Торениязов, ТДАУ Термиз филиали директори-А.Жўраев, ТошДАУ ўқув-услубий бошқармаси бошлиғи-М.Атабаев, таянч ва турдош олий таълим муассасаларининг факультет деканлари, кафедра мудирлари ва етакчи профессор-ўқитувчилари ва таклиф этилганлар

#### **КУН ТАРТИБИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини



ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сонли Фармонлари, “Аграр таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 30 июлдаги ПҚ-4795-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2020 йил 9 январдаги РА1/1-20-сонли топшириғи ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 30 июндаги “2020/2021 ўқув йилидан кредит-модуль тизимига ўтиш тўғрисида”ги 357-сон буйруғида белгиланган вазифаларни ижросини таъминлаш мақсадида турдош олий таълим муассасалари ҳамда асосий кадрлар истеъмолчилари бўлган вазирликлар, идоралар ва бошқа корхоналар мутахассислари иштирокида 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб кредит-модуль тизими асосида таълим жараёнини ташкил этилишини инobatга олиб 410 000 – Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги таълим соҳасининг Давлат таълим стандарти, 25 та бакалаврият таълим йўналишлари ва 33 та магистратура мутахассисликлари бўйича хорижий тажрибалар асосида тайёрланган малака талаблари ва ўқув режаларини муҳокамаси.

**Сўзга чикди:** А.Холиков – Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сонли фармонлари, “Аграр таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 30 июлдаги ПҚ-4795-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2020 йил 9 январдаги РА1/1-20-сонли топшириғи ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 30 июндаги “2020/2021 ўқув йилдан кредит-модуль тизимига ўтиш тўғрисида”ги 357-сон буйруғида белгиланган вазифаларни ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент давлат аграр университетида ташкил этилган ижодий ишчи гуруҳлар томонидан “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”га мувофиқ ишлаб чиқилган 410 000 – Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги таълим соҳаси Давлат таълим стандарти, 25 та бакалаврият таълим йўналишлари, 33 та магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режалари “Таълим тўғрисида”, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, шунингдек, асосий кадрлар истеъмолчилари ҳисобланган вазирлик, идора, ташкилот ва корхонларнинг олий ва ўрта махсус малакали кадрлар билан таъминланганлик даражаси, кадрлар тайёрлаш ва уларга бўлган реал эҳтиёжларни аниқлаш, уларнинг касбий малака ва кўникмаларига қўйиладиган талаблар, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларида белгиланган вазифалар, қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ҳисоботлари ва таклифлари асосида хорижий тажрибаларни инobatга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

Ишлаб чиқилган Давлат таълим стандарти, бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режалари турдош олий таълим муассасалари (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти, Самарқанд ветеринария медицинаси институти, Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти, Ўзбекистон миллий университети, Тошкент давлат аграр университетининг Нукус, Термиз филиаллари, ГулДУ, БухДУ, ҚарДУ, ФарДУ, УрДУ, НамДУ, СамДУ) ҳамда асосий кадрлар истеъмолчилари бўлган вазирликлар, идора ва корхоналарнинг малакали мутахассислари иштирокида муҳокамадан ўтказилиб, келишилган ҳамда Қишлоқ хўжалиги илмий ишлаб чиқариш маркази тизимидаги илмий-тадқиқот институтларининг етакчи мутахассис-олимлари томонидан тақриздан ўтказилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги “Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги



343-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 3-сон қарорига асосан тузилган ишчи гуруҳлар томонидан “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори”га мувофиқ Қишлоқ ва сув хўжалиги билим соҳасининг тегишли бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талабларини ишлаб чиқилганлиги ҳақида ахборот берди, уларни муҳокама қилиш ҳамда ушбу янгидан яратилган малака талаблари ва ўқув режалари ҳақида йиғилиш катнашчиларидан фикр-мулоҳаза ва таклифлар билдиришларини сўради.

